

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Марғилон шаҳрида оммавий кўчат экиш тадбири ташкил этилди

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирмонович Мирзиёев ташабbusлари билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг барча худудларида, хусусан Марғилон шаҳрида ҳам самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Муҳтарам Президентимиз жорий йилнинг 11 октябрида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам мазкур масала бўйича бир қатор муҳим устувор вазифаларни белгилаб берган эдилар.

Бугун ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Марғилон шаҳрида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида оммавий кўчат экиш тадбири ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Абдушукур Ҳамзаев, шаҳар ҳокими Шукуруллохон Нисбатхонов ҳамда шаҳардаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этилди.

Тадбир аввалида сўз олган шаҳар ҳокими Ш.Нисбатхонов, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йилнинг баҳор мавсумида шахримиз фуқаролари, корхона ва ташкилотлар томонидан худудларга 496 минг туп кўчатлар экилганлиги, куз мавсумида яна 288 минг туп дарахт ва кўчатлар экилиши белгилаб олинганлигини қайд этди.

Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Абдушукур Ҳамзаев ҳам ўз сўзида бугунги кунда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларга ўзимизда даҳлдорлик ҳиссини шакллантириш, шу билан бирга, яшаб турган хонадонимизни, кўчамизни янада обод ва яшил маконга айлантиришдаги ислоҳотларни, албатта ўзимиздан бошлишимиз лозимлигига алоҳида тўхталди.

Тадбир давомида шаҳардаги маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар ҳамда зиёратгоҳларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

2023-10-27 19:59:10